

Лавҳул маҳфуз ва қалам | Ақийда дарслари (250-дарс)



19:00 / 23.10.2023 2430

Мўмин-мусулмон одам лавҳ ва қаламга ҳам иймон келтирмоғи вожиб. Бу икки нарса ҳам ғайбиёт туркумига киради. Аҳли сунна ва жамоанинг ақоид китоблари ичида энг мўътабарларидан ҳисобланмиш «Шарҳи «Ақийдатут Таҳовийя» китобида қуйидагилар айтилади:

«Лавҳ ва қаламга, унга чизилган жамики нарсага иймон келтирамиз».

Шарҳ: «Лавҳ»дан мурод Аллоҳ халойиқнинг тақдирларини ёзган нарсадир. «Қалам»дан мурод Аллоҳ яратган ва у билан мазкур лавҳга қадарларни ёзган қаламдир.

Бас, лавҳга, қаламга ва қалам билан лавҳга ёзилган нарсага иймон келтириш лозимдир.

Далил:

صَدِّقِينَ كُنْتُمْ إِنْ أَلَّهِ دُونَ مِّنْ شُهَدَاءِكُمْ وَأَدْعُوا ﴿٢٣﴾

1. «Йўқ!!! У Қуръони Мажиддир. Лавҳул Мҳфуздадир» (Буруж сураси, 21-22-оятлар).



2. «Нуун. Қалам билан ва сатрларга ёзадиган нарсалар билан қасам» (Қалам сураси, 1-оят).

3. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар: «Албатта, Аллоҳ лавҳул маҳфузни оқ дурдан яратгандир. Унинг саҳифалари ёқутдандир. Қизилдир. Қалами нурдир. Китоби нурдир. Унда ҳар куни Аллоҳ учун уч юз олтмиш лаҳза бор. Унинг кенглиги осмон билан ернинг орасича. Ҳар куни унга уч юз олтмиш марта назар солади. Халқ қилади. Ризқ беради. Ўлдиради. Тирилтиради. Азиз қилади. Хор қилади. Хоҳлаган нарсасини қилади».

Тобароний «Муъжамул Кабир»да ривоят қилган.

4. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар: «Албатта, Аллоҳ биринчи халқ қилган нарса қаламдир. Бас, унга: «Ёз!» деди. У: «Эй Роббим, нимани ёзай?» деди. У Зот таборака ва таоло: «Қиёматгача бўладиган ҳар бир нарсанинг тақдирини ёз», деди.

Абу Довуд Убода ибн Сомитдан ривоят қилган.

«Сунний ақийдалар» китоби асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 22 июлдаги 03-07/5979-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.